



**Инвестиция маслахатчисининг профессионал хизматларини
кўрсатувчи корхонани жалб қилиш бўйича
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Хизмат кўрсатиш тури: "Гидропроект" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) акциядорлари томонидан тасдиқланган "Жамиятнинг устав капиталига инвестиция сифатида ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Жамият акциядорлари томонидан киритилган маблағлар ҳисобига қўшимча акциялар чиқариш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш.

Харидор: "Гидропроект" АЖ

Хизмат кўрсатиш муддати: 3 ой

Хизмат кўрсатиш ҳудуди: Тошкент ш.

Хизмат кўрсатиш учун талаблар: Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар тўғрисидаги"ги Қонунлари, Жамият устави ва "Жамиятнинг устав капиталига инвестиция сифатида ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Жамият устав капиталига киритиш учун киритилган маблағлар ҳисобига қўшимча акциялар чиқариш бўйича Жамият бошқарув органлари қарорлари ва имтиёзли ҳуқуқни қўллаган ҳолда қўшимча акциялар чиқариш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш.

Танловда иштирок этувчиларга талаблар:

1. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш бўйича Инвестиция маслахатчи лицензияси бўлиши лозим.

2. Қимматли қоғозлар чиқариш бўйича камида 10 йиллик иш тажрибаси бўлиши лозим.

3. Штатида қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқ бўйича 1 тоифали малака гувоҳномаси эга бўлган 1 тадан кам бўлмаган ходими ҳамда 2 тоифали малака гувоҳномаси эга бўлган 2 тадан кам бўлмаган ходими бўлиши лозим.

4. Хизмат кўрсатиш даврида ходимлари Тошкент шаҳрида бўлиши лозим.

5. Қўшимча акциялар чиқариш бўйича камида 3 та лойҳани яқунлагани тўғрисида маълумотнома бўлиши лозим.

**Акциядорлар билан корпоратив
муносабатлар хизмати мутахассиси**

A blue ink signature, likely belonging to M.Z. Yunusov, written over a circular official stamp.

М.З.Юнусов

“Гидропроект” АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилишининг
2023 йил “10” февралдаги
49 - сон баённомасининг
5 - иловаси билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“GIDROPROEKT” АЖнинг устав капиталига
инвестиция сифатида ажратилган маблағлардан
самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

Тошкент – 2023 йил

Мундарижа

1. Умумий қоидалар.
2. Инвестиция маблағларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби.
3. Инвестиция маблағлари сарфланиши юзасидан жавобгарлик ва назорат қилиш тартиби.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “GIDROPROEKT” АЖ (*Кейинги ўринларда - Жамият*)нинг устав капиталига инвестиция сифатида ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом (*кейинги ўринларда - Низом*), кейинчалик жамият устав капиталига киритиш мақсадида инвестиция сифатида тегишли маблағларни ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда тамойилларини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони ва Жамият Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамият бошқарув органи - акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи;

инвестиция маблағлари - жалб қилинган инвестициялар ҳисобига кейинчалик Жамиятнинг устав капиталини оширишга йўналтирилаётган маблағлар;

инвестиция объектлари - “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимидаги ёки таъсисчилигидаги (*акциядор бўлган*) жамиятлар (*акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқалар*);

инвестиция субъекти - “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ёки конунчиликда белгиланган ҳолатларда инвестиция объектнинг бошқа акциядорлари (*таъсисчилари*) ҳамда инвесторлар;

бизнес лойиҳа - “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан келишилган ҳолда инвестиция объектлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари бўйича тайёрланган иқтисодий жихатдан асосланган дастур.

II. ИНВЕСТИЦИЯ МАБЛАҒЛАРИНИ АЖРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

3. Инвестиция субъекти томонидан Инвестиция объектига инвестиция маблағлари Инвестиция объектининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида киритилади.

4. Инвестиция маблағларига бўлган талаб Инвестиция объекти томонидан ишлаб чиқилган Бизнес лойиҳа билан асосланади.

5. Бизнес лойиҳа Инвестиция объектининг Кузатув кенгаши (*мавжуд бўлганда*) ёки Бошқаруви томонидан кўриб чиқилади ҳамда инвестиция маблағларига бўлган талабнинг асослилиги ва долзарблиги ҳамда Инвестиция объектининг Устав капиталини тўлдирилишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича Қарор қабул қилинади.

6. Инвестиция маблағларини жалб қилиш учун Инвестиция объектининг Раҳбари томонидан Кузатув кенгаши (*мавжуд бўлганда*) ёки Бошқаруви қарорини илова қилган ҳолда Инвестиция субъектига талабнома киритилади.

Талабномада қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- инвестиция объектлари учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича имзоланган шартнома ва етказиб берувчини аниқлаш бўйича харид ҳужжатлари нусхаси;

- инвестиция объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича имзоланган шартнома ва пудрат ташкилотини аниқлаш бўйича харид ҳужжатлари нусхаси;

- хорижда мутахассисларни тайёрлаш ёки уларнинг малакасини ошириш учун талаб этиладиган маблағларни асословчи ҳужжатлар (шартнома, тижорат таклифи ва бошқалар);

- бизнес-лойиҳада кўзда тутилган бошқа харажатлар учун талаб этиладиган маблағларни тегишли асословчи ҳужжатлар (*шартнома, тижорат таклифи ва бошқалар*).

7. Инвестиция объектининг талабномаси Инвестиция субъекти томонидан кўриб чиқилади ҳамда Бизнес лойиҳада камчиликлар ва Инвестиция объекти фаолиятида суистеъмол қилиш ҳолатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, Инвестиция маблағларини ажратилиши маъқулланади.

8. Инвестиция маблағларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонида асосан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Кузатув кенгашининг қарори (рухсати) асосида амалга оширилади.

9. Инвестиция субъекти билан келишилган ҳолда инвестиция маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- инвестиция объектлари учун зарур бўлган асбоб-ускуналар харид қилиш;
- инвестиция объектларида қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш;
- хорижда мутахассислар тайёрлаш ёки уларнинг малакасини ошириш;
- бизнес-лойиҳада кўзда тутилган бошқа йўналишларга.

10. Инвестиция маблағларидан бизнес-лойиҳада кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланиш фақатгина Бизнес лойиҳага тегишли ўзгартириш киритиш ва у бўйича Кузатув кенгаши (мавжуд бўлганда) ёки Бошқаруви қарори ҳамда Инвестиция субъекти рухсати билан йўл қўйилади.

11. Инвестиция маблағларидан Жамиятнинг хўжалик фаолияти харажатлари учун фойдаланиш таъқиқланади.

12. Бизнес лойиҳада кўзда тутилган мақсадлар учун инвестиция маблағлари тўлиқ ажратилиши таъминлангандан сўнг, инвестиция объекти раҳбарияти томонидан **бир ой муддатда** тегишли асословчи ҳужжат ва маълумотларни илова қилган ҳолда расмий равишда инвестиция субъектига якуний ҳисобот тақдим этилади.

13. Тақдим этилган ҳужжатлар инвестиция субъекти томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилгандан сўнг, инвестиция субъектининг тегишли кўрсатмасига асосан инвестиция объекти раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ва Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000-сон рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”га асосан белгиланган тартибда акциялар чиқарилуви амалга оширилиб инвестиция субъектига жойлаштирилади.

III. ИНВЕСТИЦИЯ МАБЛАҒЛАРИ САРФЛАНИШИ ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИК ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

14. Инвестиция объекти Раҳбари ва Бош ҳисобчиси Инвестиция субъекти томонидан ажратилган инвестиция маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

15. Ҳар ойнинг 5 санасида Инвестиция субъектига Инвестиция объекти Раҳбари ва Бош ҳисобчиси томонидан тасдиқланган ажратилган инвестиция маблағларини ўзлаштириш бўйича ҳисобот киритилади.

16. Инвестиция объекти томонидан киритилган ҳисоботларда камчиликлар ёки инвестиция маблағларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқлангани ҳолда, Инвестиция субъекти талаби билан инвестиция маблағларидан фойдаланиш тўхтатилиши мумкин.

17. Инвестиция маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Инвестиция объектининг ички аудит хизмати ва тафтиш комиссияси (мавжуд бўлганда) томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18. Мазкур низом Инвестиция объектининг Кузатув кенгаши (*АЖлар учун*), муассиси ёки таъсисчиси (*МЧЖ, УК ва бошқалар учун*) томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

19. Агар мазкур низомнинг айрим бандлари амалдаги қонунчилик ва Инвестиция субъектининг Уставига зид бўлса, мазкур бандлар ўз кучини йўқотган ҳолда, низомнинг тегишли бандларига ўзгартиришлар киритилгунга қадар амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинади.

20. Мазкур низом айрим бандларининг ўз кучини йўқотиши бутун низомнинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.